



ларининг ижроия комитетлари фаолиятларини партия ва ҳукуматнинг талаблари асосида янада такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

Ингилганлар ҳузурида сўзга чиққан область ижроия комитети бўлим мудири ижроия комитетлар, уларнинг бўлимлари, доимий комиссияларининг ташкилотчилик ишларини яхшилаш ва бошқа бир қатор масалалар, юзасидан маслаҳатлар, тавсиялар бердилар.

Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳаётидан



«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройи қошида ўзбек халқ кўшиқ ва рақс ансамбли фаолият кўрсатишда. Яқинда ижодий коллектив

ҳаваскорлари қардош Болгарияда бўлиб қайтишди. Санъаткорлар бу мамлакатнинг турли шаҳарларда ўндан ортиқ концертлар намоиш қилишди. Шу кунларда

ҳаваскорлар Улуғ Октябр байрамига янги концерт программаси тайёрлашмоқда. Суратларда: ансамбли қатнашчиларидан (чапдан) Рашидани Одилов, Мирза Олимов,

Мурод Расулов, Адиба Шомуродова ва Ҳақима Имомгуловалар. В. Сироткин фотолари.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА ЭРТАНГИ КҮН БУЮМЛАРИ

Шаҳарда халқ истеъмол товарларини аттестация қилувчи Бутуниттифоқ комиссияси иш бошлади. Бу комиссия хўжалик рўзгор юмушлари учун ишлатилган ошхона идишларини кўриқдан ўтказди. Уларнинг замонавийлиги, қулайлиги, сифати ҳар томонлама текширилади.

Аттестация учун турли тармоқдаги корхоналарнинг бир неча ўнлаб маҳсулотлари тақдим этилди. Ана шу кузатув якунларига кўра маҳсулотларнинг энг яхши намуналари танлаб олинди ва 1986—1988 йилларда уларни қўллаб ишлаб чиқаришга йўлланма берилди.

«ИНАРУС»ЛАР КЎПАЙДИ

Чирчиқ шаҳар автобус-таксиотом парк янги машиналар ҳисобига йириклашмоқда. Ўтган йили шаҳар кўчаларида пайдо бўлган «Инарус-280» автобуси пассажирларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш имконини берган эди. Яқинда авторакс ихтиёрий яна иккита «Инарус-280» автобуси берилди. Улар билан бирга автохўжаликка янги аяқлаштирилган учта «ЛАЗ» автобуси ва учта микроавтобус тез кўчаларда маршрутларга чиқарилади.

МАКТАБ «СОЛНИШКО»СИ

Зоя Де раҳбарлик қилаётган «Солнишко» болалар рақс ансамбли 1979 йили Ғалаба районидаги Киров номи ўқув-таъриба хўжалик клубида ташкил қилинган эди. Ўтган давр мобайнида ансамбль республика «Санъат байрами» кўриқ-конкурсининг ғолиби бўлди, кичик гуруҳдан 47 кишилик катта коллективга айланди. Замонавий репертуари учун қатор диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Ўз концерт программасини рус, ўзбек, қозоқ, қорейс, уйғур, чех, япон ва бошқа

халқлар рақслари билан бойитган бу ансамбль хизматидан хўжалик меҳнатқиллар мамун. Айниқса, 3-бўлим паркида ўтказилган «Очиқ хатлар кўни»да «Солнишко»нинг «Время» вокал-хор ансамбли билан биргаликда чиқишлари уларга гоёт манзур бўлди.

Болалар ансамблининг қатнашчилари асосан Киров номи 14-ўрта мактаб ўқувчиларидан иборат. Улар орасида «ветеранлар» ҳам бор: ансамблга 3-синфда ўқиганларидан келган Гуля Эргашева, Лариса Цой, Ирина Юн каби рақсқиллар ҳозир

9-синфда ўқишмоқда. Ансамблга совхознинг Маҳкам Муртазов бошлиқ ишчилар комитети яқиндан ёрдам кўрсатапти. Фақат шу йилнинг ўзидagina комитет рақс либослари, музика асбоблари сотиб олиш учун 3 минг сўм маблағ ажратди. Йигирм-терим авякига чиққан бугунги кунда ансамбль фаолияти ҳам қизгин. Улар хўжалик дала шийпонларида меҳнатқилларга маданий хизмат кўрсатмоқдалар.

Х. ЗАЙНИЛОВ, О. СУФИХОНОВ, ТошДУ студентлари.

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

НАВОИЙ кўчасидаги сўлим Анҳор кўрғонлари бўйида Горький номи Рус Давлат академик драма театрининг янги биноси қад ростланди. Бош лудратчи бўлган «11-Висотстрой» трестининг бу ерда меҳнат қилган 1-, 17-, 69-курлиши

бошқармалари ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар. Мусобақа ҳар ойда якунланиб, ғолибларга кўча вимпеллар топиришмоқда. Қурилишдаги темир-бетон, металл-конструкциялари пайвандлаш ишларини Ўзбекистон ССР Компартияси-

нинг навбатдаги съезди очилган кунгача тугаллаш мўлжалланмоқда. А. Артемьев, Н. Егоров, А. Паршуков бошлиқ комплекс бригадалар аъзолари барча меҳнат коллективларига ўрнак бўлиб, кунлик топириқларини доим ортиги билан бажармоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

ИНФОРМАТИКАГА МЕҲР УЙҒОТИБ

Умумтаълим мактабларида «Информатика ва электрон-хисоблаш» техникаси асослари курсининг жорий этилиши нур устига аъло нур бўлди. Ана шу «аклли» машиналар билан бемалол «тиллаш» билишини ўрга-

тиш, билим ва амалий кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида педагогик олий ўқув юртида қатор тадбирлар қўрилди. Халқлар дўстлиги ордени Низоми номидаги Тошкент Давлат педагогика институтиди ҳам

бу борада ибратли ишлар амалга оширилади.

Олий ўқув юртиларининг математика факультетиди «Информатика ва электрон хисоблаш» техникаси асослари» деган янги курс ўқити-ла бошланди.

А. АЛИЕВ.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

ОФИР АТЛЕТИКА

ПОЛВОНЛАР ЧОРВОҚҚА ТЎПЛАНИШДИ

Оғир атлетика бўйича Чорвоқда низоҳасига етган област биринчилиги мусобақалари умидли ёшлар этишиб чиқатганлигини кўрсатди. «Чарвагэстрей» спорт залини тўлдириб ўтирган томошабинлар орасида оғир атлетика мутахассислари, тренерларини учратиб, мумкин эди. Бу бекча эмасди, албатта. Област биринчилиги улар учун резервларни аниқлаш кўриги ҳам бўлди. Ахир кўп ўтмай — декабрда Бөкөбада оғир атлетика бўйича област спартакиадаси ўтказилди. Худай шу пайтнинг ўзида Ўзбекистон кучли полвонлари СССР кубоги мусобақаларида қатнашадилар. Бутуниттифоқ биринчилиги старт олади, апрель ойида эса Фарғонада Ўзбекистон XX спартакиадаси программаси бўйича беллашувлар бошланади. Тренерлар ва мутахассислар ана шу муҳим стартлар олдидан терма командага қобилиятли полвонларни аниқладилар. Ғолиблар орасида мезбонлар — Бўстонлиқ спортчилари кўпчилиги ташкил этганлиги мутахассисларни ҳам, томошабин

ларни ҳам қувонтирди. 48 килограммлик вазндаги оғир атлетикачилар ўртасида ғолибликка давсоголар жуда кўп эди. Чунки мазкур категорияда биринчилигининг деярли 50 процент қатнашчилари тўп-лашиб қолган эди. Уларнинг аксарият кўпчилиги чинозликлар жанали учун ҳам биринчилик уларга касиб эгади деган тахмин бор эди. Лекин Чорвоқдаги 17-мактабининг 7-синф ўқувчиси Улуғбек Нуртоев икки курашда 137,5 килограмм натижа кўрсатиб, чемпион бўлди. Чинозлик 2-мактаб ўқувчиси Евгений Ли эса 115 килограмм натижа билан иккинчи ўринни олди. 52 килограммгача вазн категориясида энг кам қатнашчи — 6 полвон иштирок этди. Бу категорияда ғолиб деб топилган Чорвоқдаги 18-мактаб ўқувчиси Рашид Шокировнинг натижаси қутилгандан юқори бўлди. У икки курашда 190 килограмм натижа кўрсатиб, спорт мастерлигига номзод талабини бажарди ва республика ўсмирлар терма командасига номзод қилиб олинди. 56 килограммгача вазн ка-

тегориясида Бўстонлиқ районидаги Каранкўл посёлкасининг ўқувчиси Дилмурод Беркинов, 60 килограммгача вазнлилар ўртасида эса Янги-йўл пойабзал фабрикасининг физкультура инструктори Бахтиёр Очилов фахрий шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилдилар. Мусобақаларда Олег Солда-товнинг қичқиси олқишлар билан кутиб олинди. «Чарвагэстрей»нинг физкультура инструктори 75 килограммлик вазнлилар ўртасида иштирок этиб, мухлислар ишончини оқлади. Икки курашда 285,5 килограмм натижа билан реқибларини доғда қолдирди. Чемпионат якунига кўра у 1986 йилда СССР халқлари спартакиадасида иштирок этадиган республика терма командасига номзод қилиб олинди. Бошқа вазн категорияларида қуйидаги натижалар кўрсатилди. 82,5 килограмм: Сергей Почтанин (Чирчиқ) — 290 килограмм, 90 килограмм: Николай Акулинин (Чирчиқ) — 275 килограмм.

М. МИРАЛИМОВ.

Афсонавий дуб

ДИЕРИМИЗДА бир неча туп дуб — эман дарехтлари сақланиб қолгани, халқ уларни Пётр I номи билан боғлайди. Шу дублардан бири Бранскдаги қадимий Свенск монастырининг деворлари ёнида ўсиб турибди.

Мусобақаларда Олег Солда-товнинг қичқиси олқишлар билан кутиб олинди. «Чарвагэстрей»нинг физкультура инструктори 75 килограммлик вазнлилар ўртасида иштирок этиб, мухлислар ишончини оқлади. Икки курашда 285,5 килограмм натижа билан реқибларини доғда қолдирди. Чемпионат якунига кўра у 1986 йилда СССР халқлари спартакиадасида иштирок этадиган республика терма командасига номзод қилиб олинди.

Бошқа вазн категорияларида қуйидаги натижалар кўрсатилди. 82,5 килограмм: Сергей Почтанин (Чирчиқ) — 290 килограмм, 90 килограмм: Николай Акулинин (Чирчиқ) — 275 килограмм.

М. МИРАЛИМОВ.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

◆ ФУТБОЛ. Кунин неча Европа кубоги мусобақаларининг навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди. Чемпионлар кубоги учрашувларида Ленинграднинг «Зенит» командаси Финляндиянинг «Кууси» клубини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида устун келди. Кубок эгалари кубоги матчларида иштирок этаётган Киев динамолари Руминияда «Университатя» командаси билан 2:2 ҳисобида дуранг ўй.

надилар. УЕФА кубоги учун куч синашётган пойтахт спартакчилари «Вюгетс» (Бельгия) клубини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. «Эйнхховен» (Голландия) — «Днепр» (Днепропетровск) — 2:2. «Реал» (Мадрид) — «Черноморец» (Одесса) — 2:1. Командаларнинг такорорий учрашуви 6 ноябрь кунин бўлади. ◆ ХОККЕЙ. Мамлакат чемпионатининг биринчи дивизида иштирок этаётган Тошкентнинг «Виногор» командаси навбатдаги тур ўйинларини

Пермь шаҳрида маҳаллий «Молот» командаси билан ўтказмоқда. Биринчи учрашув 4:2 ҳисобида тошкентликлар фойдасига ҳал бўлди.

◆ БАСКЕТБОЛ. Наманганда ўсмирлар командалари ўртасидаги республика биринчилиги низоҳасига етди. Ўзига хос реперлар кўригига айланган мазкур мусобақаларда Тошкент област командаси мутахассислардан яхши тавассур қолдирди. Етти команда орасида областимиз вакиллари биринчи ўринни эгалладилар.

Д. КУЗНЕЦОВ, А. СИМОНОВ, ТАСС мухбирлари.

Брянск.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТЕВ

БУГУН
МТ-1. 9.00 — «Время». 9.40 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 9.55 — Мультифильмлар. 10.25 — Хўжакатли фильмлар. 11.05 — «Петербург билан хайрлашув». Бадий фильм. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильм премьераси. 16.10 — Рус тили. 16.40 — Подомосовнинг агрономлик комплекси. 17.10 — «Олов билан уянашганлар». Бадий фильм. 18.30 — «Фан ва тур-

муш». 19.00 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — «Хамдустеги». 20.05 — «Кешик накуварни». Бадий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Кинопанорама. 23.50 — Дунё локчалари.
МТ-11. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — Н. А. Римский-Орсовак. 10.35 — 13.30 — Инглиз тили. 11.05 — А. Прокофьев поэзияси. 11.35 — Илмий-оммабоп фильм. 11.45 — Маяковский — расом. 12.30 — КАРЕЛИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСНИНГ ПРОГРАММАСИ. 14.00 — Тарих ҳақида. 15.00 — Совет драматургиясида В. И. Ленин образи. 15.50 — «Мактаб

ислохоти». 2-йил. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Кешик накуварни ва тузалар». 18.55 — Ҳисоблар дунёси. 19.40 — «Мўъжизалар майдони». 20.30 — «Туингиз хайли бўлсин, ючкентойлар». 20.50 — Музикали танарфус. 21.20 — Телефильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Салом дўстим». Музикали кўрсатув. 23.00 — Телефильм. 23.10 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крилья Советов» — «Спартак».
ЎЗТВ-1. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Музикали дақиқалар. 8.00 — «Тонгги тароналар». 8.10 — Илгор тақриба ва ҳақмага. 8.20 — Телефильм. 8.30 — «Ахборот».

18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Ҳаёт хаби тирик. 18.45 — Телефильм. 19.00 — «Стандартлаштириш ва илмий-техника таракқийети». 19.30 — «Ахборот». 19.50 — Халқаро ахвол кундалиги. 20.05 — «Гулла-яшна қўриқ» ер. 20.30 — Ахборот. 20.55 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барак».
ЎЗТВ-11. 9.00 — 16.25 — МТ-11.
18.10 — Қишлоқ ҳаёт. 18.35 — Мактаб ўқувчилари учун. 19.15 — «Бу ер меннинг масканим». Бадий фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.25 — «О, муҳаббат». Музикали комедия. 21.30 — МТ-11.

РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ! БОЛАЛАР СТРАХОВАНИЕСИ БОЛАЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИКДИР



Ҳаммамиз ҳам бир вақтлар болаликни бошдан кечирганмиз. Ойлада янги инсоннинг дунёга келиши қанчалик қувонч бахш этилиш ўз-ўзидан тушунарли. Бизнинг болаларимиз йўқчилик нимагини билишмайди.

Совет давлати улар тўғрисида, уларнинг сўхат-саломатлиги,